Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 154 (7294). ● 13 август, 1980 йил ▲ ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

● ПАХТАЗОРЛАРДА МЕҲНАТ АВЖИДА. КУСАКЛАР СЕМИРИБ, ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШАЁТГАН АЙНИ КУНЛАРДА СУВЧИЛАР ЗИММАСИГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАТИЛАДИ. УЛАР ЎЗ ПОСТЛАРИДА СЕРГАК ТУРИБ, ҲАР ТУП ҒЎЗАНИНГ ҚОНИБ СУВ ИЧИШИНИ ТАЪМИНЛАШЛАРИ КЕРАК.

● ЗИММАГА ОЛИНГАН ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИН ЭТИШДА МУСОБАҚА ҚУДРАТЛИ КУЧ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА МУСОБАҚАНИНГ ОММАВИЙЛИГИ, ОШКОРАЛИГИ ВА ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ТАЪМИН ЭТАЙЛИК.

● ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ САБЗАВОТКОРЛАРИ ЯНГИ ОШИРИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР.

● ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ҲОЗИРДАН ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК. МЎЛ-КЎЛ ВА СИФАТЛИ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАЙЛИК!

ҚУДРАТЛИ КУЧ

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори совет кишиларини янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Бу қарорга амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган колхозимиз меҳнаткашлари ҳам 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар.

Биз беш йилликнинг якунловчи йилида 3740 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган эдик. Колхозчиларимиз шу мақсадда йил бошидан бери ҳалол меҳнат қилдилар. Ҳар гектар ерда 120 минг туп кўчат сақлаб қолинди. Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўза сифатли культивация қилинди. Уч марта озиқлантирилиб, тўртинчи сув таралмоқда.

Пахтазорларимизда мўл ҳосил етишмоқда. Пахтакорларимиз КПСС XXVI съезди шарафига авж олган умумхалқ социалистик мусобақасига қушилиб гектаридан 38 центнердан ҳосил олиб, 3840 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этамиз, деб оширилган социалистик мажбурият олдилар.

Илғор бригадалар аъзоларининг ҳимматлари бундан ҳам баланд. Масалан, А. Тожибоев, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Ж. Еқубова, М. Қукарадзе, Б. Исматов ўртоқлар бошлиқ бригадалар аъзолари йил бошида ҳар гектар ердан 38—40 центнердан ҳосил етиштиришга ваъда берган эдилар. Улар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, 42 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар.

Колхозчиларимиз фидокорона меҳнат қилиб етиштираётган ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишга ҳар тарафлама тайёргарлик кўришмоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим даврида социалистик мусобақани кенг авж олдириш тадбирларини белгилаб олдилар. Мусобақа тадбирлари колхозимиздаги мавжуд шароит ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Биз пахта йиғим-теримини 20 сентябрдан бошлашни мўлжаллаб турибмиз. Шу кундан бошлаб механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилади. Бу меҳнат беллашувига ҳар беш кунда якун ясаб борилади. Машинада пахта теришда 1—3 ўринни эгаллаган механик-ҳайдовчилар ҳамда энг кўп пахта ташиган тракторчилар вимпел ва пул мукофотлари билан тақдирланиб борилади. Бошқа механизаторлар ҳам шундай рағбатлантирилиб, уларнинг ишлари «жанговар варақа»ларда ёритилади.

Терим мавсуми якунига кўра икки қаторли «ХН-3,6» ва «14ХВ-2,4» машинаси билан 140 тонна, тўрт қаторли «ХН-3,6» ва «ХВ-2,4» машинаси билан 180 тонна пахта ҳолда кўсак ва тўкилган пахтани терадиган машиналар билан 40 тоннадан пахта терган механизатор ҳам социалистик мусобақа голиблари сифатида моддий рағбатлантириладилар.


Умуман, йиғим-терим даврида барча колхозчиларимиз социалистик мусобақада актив қатнашадилар. Уларнинг иш натижалари ҳам якунланиб, голиблар тақдирланиб турилади.

Ҳозирги пайтда 20 та пахта териш, 7 та кўсак, 3 та тўкилган пахтани териб оладиган машиналар, 8 та кўсак чувийдиган, 3 та юк ортадиган механизмлар, ғўзани дефолиация қиладиган 5 та «ОВХ-14» агрегатлари ремонтдан чиқариб, ишга шай қилиб қўйилди. Колхозимизда теримга тайёргарлик кўриш билан бирга ғўза парвариши сира бўшаштирилмай давом эттирилляпти. Ғўзани культивация қилиш, суғориш қизғин олиб борилмоқда.

Бу йил етиштирилган ҳосилни 15—20 октябргача батамом йиғиштириб олишни мўлжалламоқдамиз. Ялпи ҳосилнинг камида 90 процентини машиналар билан териб олинади. КПСС Марказий Комитетининг қарорига жавобан колхозимизда ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, йиғим-теримни уюшқоқлик билан қисқа муддатда ўтказиш, шонли партиямизнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа колхозчиларимизга битмас-туганмас куч-ғайрат, шижоат бахш этмоқда. Бу эса янги ғалабалар гаровидир.

М. КАРИМОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз раиси.

Ў. СОЛИЕВ.
колхоз партия ташкилотининг секретари.



● Сафар Бектоев Чиноз районидаги Энгельс номли колхознинг ёш сувчиси. У колхознинг 8-бригадасида меҳнат қилади. Бригада да-лаларида ҳар гектаридан кам деганда 40 центнердан ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Бунда сувчи С. Бектоевнинг ҳам ҳиссаси бор. Суратда: (юқорида) сувчи С. Бектоев, А. Абалян фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗНИНГ 24 СОАТИ

● ЖАҲОН ЕШЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ТОКИО. (ТАСС мухбири). Япония Социалистик ёшлар иттифоқи марказий комитети раисининг ўринбосари Т. Сакагути Совет Иттифоқи пойтахтида бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларидан олган таассуротларини баҳам кўриб, бундай деди: Олимпиада-80 ер юзидаги барча ёшлар учун чинакам тинчлик байрами, жаҳондаги турли мамлакатлар ёш авлоди намояндалари ўртасида учрашув ва ўзаро фикр алмашув жойи бўлди.

Т. Сакагути «Сэйкэн—ноко» газетаси мухбирининг саволларига жавоб қайтариб, капиталистик мамлакатлар ҳукуматларининг, аввало АҚШ ва Японияннинг Олимпиада муваффақиятига ҳалақит бериш йўлидаги уринишлари батамом бзрбод бўлганлигини таъкидлади.

● ТЕЗ ВА НОБУД ҚИЛМАЙ

ВАРШАВА. Польшанинг давлат хўжаликлари ва деҳқончилик кооперативларида «Ҳосилни тез ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб оламиз!» шиори остидаги ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ниҳоясига етди.

Бу йил 27 мингта серунум комбайн, қариб 600 та осма агрегатли трактор республика далаларига чиқади. Бу машина-механизмлар билан 8 миллион гектардан зиёд майдондаги ғалла ва бошқа донли экинлар йиғиштириб олиниши лозим.

Машинасозлик саноати корхоналарининг коллективлари машина-механизмларни вақтида тайёрлаш ва ремонт қилишда қишлоқ меҳнаткашларига катта ёрдам бердилар.

● АҚШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 август. (ТАСС). Бу ерда АҚШ ҳукмрон демократик партиясининг миллий съезди очилди. Кейинги тўрт йилги муддат учун демократлардан Қўшма Штатлар президенти лавозимига номзод кўрсатиш, партиянинг сайловолди платформасини тасдиқлаш—съезднинг асосий вазифасидир. Оқ уйнинг ҳозирги хўжайини Ж. Картер ва сенатор Э. Кенеди президентликка ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи учун курашмоқдалар.


● АМЕРИКА — ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Президент Ж. Картер Америка телевидениеси орқали сўзлаган нутқида мустақил Эрон раҳбарларига яна таъна қилиб гапирди ва АҚШга бу мамлакатда «оқилона ҳукумат билан эмас, балки бир тўда мутаассиб кишилар билан» иш кўришга тўғри келмоқда, деди.

Ҳозирги АҚШ маъмуриятининг бошлиғи Эрон Ислом Республикасида «умуман ҳукумат йўқ» дейишгача ҳам борди.

Шу муносабат билан сиёсий обзорчилар Оқ уй шу йилнинг бошида Эронга қарши шундай кампания авж олдирганидан кейин Эрон территориясида қуролли диверсия қилинганлигини эслатиб ўтмоқдалар.

Давлат секретари Э. Маски «Ю. С. Ньюс энд Уорлд Рипорт» журналида босилган суҳбатида АҚШ ҳозирги вақтда Эронга нисбатан «янги тадбирлар»ни кўриб чиқмоқда, деди. Аммо Э. Маски қандай тадбирлар кўзда тутилганлигини аниқ айтиб беришдан бош тортди.



Суратда: учрашув пайти.

(ТАСС махсус мухбири В. Мусаэльян телефотоси).

Л. И. Брежнев Э. Хонеккер билан учрашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 11 август куни Қримда қисқа муддатли дам олиш учун Совет Иттифоқига келган ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан дўстона учрашди.

Учрашув қатнашчилари ҳар икки мамлакатнинг коммунистлари, меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва ГБСП X съезди арафасида қилаётган ишлари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. КПСС билан ГБСП ўнлаб йиллар мобайнида жуда катта сиёсий ишларни бажарди. Бунинг натижасида Совет Иттифоқи ва ГДР халқлари иттифоқчи, сафдош, дўст бўлиб қолдилар.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам пойдеворга таянади. Партия, давлат ва жамоат йўли билан кўп қиррали тез ривожланиб бораётган алоқалар, мустаҳкам идеологик ҳамкорлик, иқтисодий соҳада биргаликда олиб борилаётган ишлар бунинг далилидир. Келгуси беш йилликда ҳар икки мамлакат ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаш программасида, шунингдек ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши доирасида ишлаб чиқилган ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликнинг тармоқ программаларида кўзда тутилган интеграция тадбирлари кенг комплексини амалга ошириш белгиланган. Шу билан бирга, машинасозлик, асбобсозлик, химия саноати соҳасида ва фан-техникани тараққий эттириш учун жуда муҳим аҳамиятга молик бўлган бошқа соҳаларда ҳамкорлик янада кенг кулоч ёзади.

Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккер халқаро сиёсатнинг муҳим проблемалари юзасидан фикрлашиб олишди. Улар энг реакцион империалистик доиралар ва Пекин гегемончиларининг халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилган йўли ўз олдига қўйган мақсадларга эришмаётган бўлса ҳам, вазият мураккаб ва кескинлигича қолмоқда, деб таъкидладилар. Мавжуд низоли ҳолатларни адолатли тарзда бартараф қилиш йўлида олға силжиш бўлмаяпти. АҚШ социалистик давлатларга нисбатан ҳарбий устунлик кетидан қувиб, қуролланиш пойгасини кучайтирмоқда, ўз шерикларини шунга ундамоқда, халқаро ҳаётни мураккаблаштираётган проблемаларни музокаралар йўли билан ҳал этишдан бўйин товламоқда. Шу билан бирга, тенглик ва бир хил даражадаги хавфсизлик принципига қатъий риоя қилиш асосида қуролсизланиш сари реал бурилиш ясалиши таъминланган тақдирда тинчлик ишончли ва мустаҳкам бўлиб қолиши аён.

СССР ва ГДР Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар билан биргаликда Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш, ҳарбий муҳолифлик даражасини пасайтириш тадбирларини амалга оширишга бундан буён ҳам эришиш ниятидадир. Ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган Европа конференцияси бу йўлда жуда катта босқич бўлиб қолиши мумкин. Бу конференцияни чақириш тўғрисида Мадрида ўтказиладиган учрашув давомида бамаслаҳат бир қарорга келиш жуда зарур.

Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккер кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш ва бу жараённинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда босқич бўлиб қолган халқаро шартномалар ва битимларга ҳалол муносабатда бўлишни ғоят муҳим, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан социалистик Германия Демократик Республикасининг, шунингдек бошқа ҳар бир суверен давлатнинг қонуний манфаатларини астойдил ҳурмат қилиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат вақтида XXII Олимпиада ўйинлари жуда катта муваффақият қозонганлиги қайд қилинди. Москва Олимпиадаси кўп жиҳатдан ибратли воқеа бўлиб қолди. Бу Олимпиада халқлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни кимлар ёқлаб чиқаётганлигини ва кимлар бунга қарши эканлигини амалда кўрсатиб берди.

Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккернинг учрашуви самимий вазиятда ўтди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрларнинг бир хил эканлигини намойиш этди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов қатнашдилар.

(ТАСС).

ДАВЛАТГА 100 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ СОТИЛАДИ

Ўтган куни Оржоникидзе райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг беш йилликнинг якунловчи йили ярим йили якуни ва навбатдаги вазифаларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. М. Ортиқхўжаев доклад қилди.

Бу йил район колхоз ва совхозларида сабзавот, картошка, мева ва узумдан мўл ҳосил тўпланди. Илғор звено ва бригадалар ҳозирнинг ўзидаёқ белгиланган маррани эгаллаб, ажойиб натижаларга эришдилар. «Маданият» колхозининг И. Комилов бошлиқ звеносида ҳар гектаридан 300 центнердан ҳосил олиниб, давлатга ўн гектар майдондан 300 тонна картошка топширилди. Колхозда бундай илғор бригадалар кўп. Ана шулар ҳисобига хўжалик бир неча йилдирки, сабзавот етиштириш ва давлатга сотиш планларини ошиғи билан бажариб келмоқда.

«Қизил Ўзбекистон» колхозидан А. Эгамназаров, Оржоникидзе номли совхоздан Т. Нодиров, «Правда» колхозидан О. Ризаев, «Қибрай» совхозидан Белялов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам ажойиб натижаларга эришмоқдалар.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА ЗИММАЛАРИГА ЯНГИ ОШИРИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ОЛДИЛАР

●

Кенгашда район хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам ибратли миссоллар келтирилди. Шу йилнинг ўтган ярим йили мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан районда гўшт етиштириш 106 процент, сут 107 процент, тухум 109 процент ортди, моллар туёғи кўпайди, маҳсулдорлик анча яхши бўлди. Бу борада «Октябрь» ва Ленин номли колхозлар яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар сабзавотчиликни ихтисослаштириш, бу соҳада механизмлардан кенг фойдаланиш, уруғчиликни тобора яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Кейинги йилларда бу соҳада катта тажриба тўпланди. Помидорнинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётган «Винтура» нави истиқболли навдир. Бу нав ҳосили гуж бўлиб пишиб етилади ва ерда чиримасдан узоқ вақт сақланади. Ҳосилни машинада териб олиш ғоят қулай. Ҳар тупидан ўртача 4—5 килограммдан помидор йиғиб олиш мумкин.

Картошкачилик, боғдорчилик ва деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида ҳам илғор усулларни кенг жорий этиш учун барча имкониятлар бор. Бу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш керак.

Айни кунларда кечки экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишни намунали йўлга қўйиш билан бирга чорва қишловига пухта тайёргарлик кўриш лозим. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш керак.

Кенгаш ишига район партия комитетининг биринчи секретари Ё. Пўлатов якун ясади.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXVI съезди шарафига зиммаларига янги мажбурият қабул қилдилар. Улар илгариги 95 минг тонна ўрнига давлатга 100 минг тонна сабзавот сотишга аҳд қилдилар.

Кенгаш охирида бир группа социалистик мусобақа илғорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

ПЛАН 7—НОЯБРГАЧА

ПАРРАНДА-БОҚАРЛАР АҲДИ

Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг коллективи ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт ярим йили мобайнида эл дастурхонига 20 минг тоннадан ортиқ парранда гўшти ва 5 миллион донадан кўп тухум етказиб бердилар. Фақат шу йилнинг биринчи ярмида давлатга пландаги 220 тонна ўрнига 225 тонна парранда гўшти ҳамда 425 минг дона тухум топширилди.

Хўжалик меҳнаткашлари бу ютуқларга паррандаларни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилиш ва фидокорона меҳнат туфайли эришдилар. Айниқса, К. Азимов, Ў. Қосимбекова, С. Султонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар паррандабоқарлари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Ҳозир совхозда 20 минг курка, 180 минг бройлер парвариш қилинмоқда. Коллектив йил охиригача паррандалар сонини 150 минг-тага етказиб, давлатга гўшт ва тухум сотиш бўйича 1980 йил планини 7 ноябргача бажаришга аҳд қилишган.

О. ЗОКИРОВА.

ЯНГИ МАЖБУРИЯТ АСОСИДА

БЕКОБОД районидаги «Коммунизм» колхозининг Шариф Бегматов етакчилик қилаётган бригадаси коллективи бу йил 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилган эди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг партия XXVI съездини чақириш ҳақидаги қароридан руҳланган заршунослар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш юзасидан янги, оширилган мажбурият қабул қилишди.

Съезд шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турган азаматлар ғўза қатор ораларига ишлов беришни кун сайин кучайтирмоқдалар. Беш марта ишлов берилиб, озиқлантирилган, сувдан чиқарилган ғўзаларнинг чиройи кўзни қувонтиради. Ҳар бир тупда 7—8 тадан бўлиқ кўсак сананш мумкин.

— Парваришни кучайтириш билан биргаликда ҳосил терими тараддудини ҳам кўраётирмиз, — дейди бригада бошлиғи Ш. Бегматов. — Бу йил ялпи ҳосилнинг 90 процентини машинада териб оламиз. Шунинг учун ҳам ғўзаларимизни машинабоп қилиб ўстиряпмиз. Ўз вақтида суғориш, культивация қилиш, бегона ўтларни йўқотиш натижасида ғўзалар бир текис ўсяпти.

Юксак социалистик мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун курашда дала гвардиячилари Турсунбой Ғофуров ва Рустам Султонов, сувчилар Аширали Деҳқонов, Жўрабой Ғафуров ва Абдурашид Бегматовлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Г. НУРАЛИЕВ.

СУТАЛАР ДОНГА ТЎЛДИ

БЕҚОБОД. районидаги Ойбек номли совхоз маккажўхорикорлари йилдан-йилга «маҳрабо дон» етиштиришни кўпайтириб келаётирлар. Маккажўхори дони етиштириш ва давлатга сотиш бўйича план ва олинган мажбуриятлар муттасил оширибгина адо этилмоқда.

Хўжалик деҳқонлари беш йиллик якунловчи йилида 140 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштираётирлар. Улар ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил етиштиришга қатъий аҳд қилганлар. Мақсадга эришиш учун маккажўхори парвариши кўнгилдагидек олиб борилди. «Дала маликаси» ўз вақтида сугорилиб, озиқлантирилиб, қатор оралари юмшатилди. Айниқса, Абдумалик Шодиев, Саидаҳмад Сангиновлар бошлиқ бригадаларда парвариш яхши йўлга қўйилиб, мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Айни кунларда совхозда ўрим-йиғимга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўрим-йиғим техникаси пухта ремонтдан чиқарилди. Бешта «Херсонец», тўртта силос комбайнлари, транспорт тракторлари ва прицеплар мавсумга тахт. Бу ишларда механизаторлар Файзи Бердиев, Жумабой Мирзаев, ремонт устахонаси слесарлари Набижон Элчиев, Амир Галимов, Юрий Бобоевлар гайрат кўрсатдилар.

Ўрим-йиғим даврида маккажўхорикорларга маданий-маиший, савдо хизматлари кўрсатишни яхшилаш тадбирлари ҳам белгиланди. Ўзаро социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Совхоз коллективи маккажўхори ҳосилини нобуд қилмай тезда йиғиштириб олади ва 1400 тонналик «маҳрабо дон» хирмонини уяди.

О. ҲАМРОЕВ.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНИШИГА 18 КУН ҚОЛДИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БЎСАҒАСИДА

Езнинг сўнгги ҳафталари ўтгач, мактаб қўнғироғи тантанавор жаранглаб, каникул даврида дам олган 385 мингдан зиёд ўқувчини билим масканлари ўз бағрига чорлайди. Ҳар қачонгидек бу ўқув йили ҳам умумий ўрта таълимни ривожлантириш, тарбия жараёни савиясини ошириш, болаларда меҳнатга кўникма ҳосил қилишда муҳим роль ўйнаши табиий. Бу ўқув мавсумига областимизда пухта ҳозирлик кўрилди.

Биз аввало болаларнинг кўнгилли дам олишларига алоҳида эътибор бердик. Беш минг нафардан зиёд тажрибали педагоглар пионерлар лагерларида дам олувчилар билан ишлаш учун жалб этилди. Бундан ташқари маҳаллалар, турар-жой квартикларида жамоатчилик асосида ташкил этилган клублар, спорт майдончаларида тўрт мингдан зиёд тарбиячи ёш авлод билан шуғулланмоқда. Бу йил спорт-соғломлаштириш ва пионер лагерларида 333 мингдан ортиқ ўқувчининг дам олиши таъминланмоқда. Бу ўтган йилдагидан етмиш минг кўп демакдир.

Болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларида район ва шаҳарлар пионерлар уйлари ҳамда саройларида ўтказилган семинарлар катта аҳамият касб этди. Лагерлар бошлиқлари, вожатий-лар, тарбиячилар иштирок этган бу йиғилишларда мавсумга мўлжалланган турли сценарийлар ишлаб чиқилди ва фойдаланиш учун тавсия этилди.

Маълумки, умумий ўрта таълимни тобора ривожлантиришда меҳнат тарбияси муҳим ўрин тутади. Кейинги йиллар ичида мактабларда бу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Қатор билим даргоҳларида юқори синф ўқувчилари учун меҳнат малакасини эгаллаш бўйича машғулотлар жорий этилди. Болалар орасида касб танлаш пропаганда кенг йўлга қўйилди. Мактабларнинг ўзида шоферлик ва тракторчилик касбини ўргатишга ва ўқувчиларни ана шу мутахассисликлар бўйича гувоҳномалар билан таъминлашга эътибор берилаётир. Областимиздаги 42 мактабда автодело, 266 мактабда тракторни ўзлаштириш ҳамда агротехника асосларини ўрганиш бўйича дарслар ташкил этилган. Юзлаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари каникул пайтларида пахта далаларида, беполён сабзавот майдонларида меҳнат қилиб олган билимларини амалий иш билан бойламоқдалар.

Ўтган ўқув йили тугаши билан мактабларни сифатли ремонтдан чиқаришга киришилганди. Бу ишда бекободликлар областда намуна бўлишди. Улар жамоатчиликнинг актив ёрдамида июнь ойининг иккинчи ярмидаёқ барча мактабларни сентябрга тахт қилиб қўйишди. Чиноз, Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Оққўрғон районлари, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳам бу иш жадал олиб борилди. Мактабларни янги мавсумга тахт қилишда қатор отаолиқ ташкилотлар, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Партия ва совет органлари, халқ маорифи бўлимлари мактабларда умумий овдарсдан ташқари пайтларда, каникул вақтларида далаларга чиқиб, ота-оналарига ёрдам бермоқдалар. Етиштирилган мева, сабзавотларни йиғиб-териб олишда активлик кўрсатмоқдалар. Ўз навбатида колхозлар ва совхозлар раҳбарлари мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлашга кўмаклашаётирлар. Бундай ҳамкорлик айниқса Ғалаба районидаги «Огонёк», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозларида яхши йўлга қўйилган. Бу хўжаликлар раҳбарлари ошириш шароитларига алоҳида эътибор бераётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Ҳозирги пайтда областимиз мактабларида 25 минг 600 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Улардан 74 проценти олий маълумотлилардир. Бу йил маориф министрлигининг йўлланмаси билан 1,5 минг ёш педагог районлар мактабларига юборилди.

Мактабларда дарс бошланган куни ҳар бир ўқувчи таълимини тобора ривожлантиришда меҳнат тарбияси муҳим ўрин тутади. Кейинги йиллар ичида мактабларда бу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Қатор билим даргоҳларида юқори синф ўқувчилари учун меҳнат малакасини эгаллаш бўйича машғулотлар жорий этилди. Болалар орасида касб танлаш пропаганда кенг йўлга қўйилди. Мактабларнинг ўзида шоферлик ва тракторчилик касбини ўргатишга ва ўқувчиларни ана шу мутахассисликлар бўйича гувоҳномалар билан таъминлашга эътибор берилаётир. Областимиздаги 42 мактабда автодело, 266 мактабда тракторни ўзлаштириш ҳамда агротехника асосларини ўрганиш бўйича дарслар ташкил этилган. Юзлаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари каникул пайтларида пахта далаларида, беполён сабзавот майдонларида меҳнат қилиб олган билимларини амалий иш билан бойламоқдалар.

Ўтган ўқув йили тугаши билан мактабларни сифатли ремонтдан чиқаришга киришилганди. Бу ишда бекободликлар областда намуна бўлишди. Улар жамоатчиликнинг актив ёрдамида июнь ойининг иккинчи ярмидаёқ барча мактабларни сентябрга тахт қилиб қўйишди. Чиноз, Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Оққўрғон районлари, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳам бу иш жадал олиб борилди. Мактабларни янги мавсумга тахт қилишда қатор отаолиқ ташкилотлар, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Партия ва совет органлари, халқ маорифи бўлимлари мактабларда умумий овдарсдан ташқари пайтларда, каникул вақтларида далаларга чиқиб, ота-оналарига ёрдам бермоқдалар. Етиштирилган мева, сабзавотларни йиғиб-териб олишда активлик кўрсатмоқдалар. Ўз навбатида колхозлар ва совхозлар раҳбарлари мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлашга кўмаклашаётирлар. Бундай ҳамкорлик айниқса Ғалаба районидаги «Огонёк», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозларида яхши йўлга қўйилган. Бу хўжаликлар раҳбарлари ошириш шароитларига алоҳида эътибор бераётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Ҳозирги пайтда областимиз мактабларида 25 минг 600 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Улардан 74 проценти олий маълумотлилардир. Бу йил маориф министрлигининг йўлланмаси билан 1,5 минг ёш педагог районлар мактабларига юборилди.

Мактабларда дарс бошланган куни ҳар бир ўқувчининг синфга янада яхши кайфият ва илғор педагогика тажрибаси билан қуролланиб кириши учун ҳамма ишни қилиш — партия ташкилотлари ва маҳаллий Советларнинг маориф органларининг муҳим бурчидир. Шу мақсадда малака ошириш институтлари ва педагогика олий ўқув юртларининг, турли курслар, лекторийлар, методик бирлашмаларнинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш керак. Ўқитувчиларнинг август кенгашлари мактаб коллективларининг бундан буёнги самарали иши учун яхши омил бўлади.

Областда мактаблар, мактабгача болалар муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу йил молиявий маблағлар билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 17 минг ўринли мактаблар, 6 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилади. Бу ишда бизга колхоз ва совхозлар катта ёрдам бермоқдалар. Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз 1104 ўринли, Ғалаба районидаги «Победа» колхозида, Ҳамза номли колхозда, Тошкент районидаги Навоий номсельстрой», «Облколхозстрой» ва 23, 160-қурилиш трестлари бу ишни асоссиз равишда кечиктириб юбормоқдалар. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, юқорида санаб ўтилган қурилиш трестларининг раҳбарлари ишга тушириладиган объектларни ишчи кучи, механизмлар, материаллар, транспорт билан таъминлаш ҳамда бой берилган имкониятларнинг ўрнини тезроқ қоплаш учун зарур чораларни кўришлари керак.

Областимиз мактаблари янги ўқув йили бўсағасида турибдилар. Бу мавсум партиямиз XXVI съездига ҳамма жойда қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир даврга тўғри келганлиги билан алоҳида маъмун кашф этади. Ҳозирги пайтда барча меҳнат коллективлари, дала гвардиячилари шонли байрам шарафига социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда юксак снёсий кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Съездга тайёргарлик даврида областимиз халқ маорифи органлари ҳам ўз фаолликларини янада кучайтирадилар, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ўқув самарадорлиги ва ўзларининг билим ҳамда малакаларини ошириб бориш билан КПССнинг катта анжуманини кутиб олиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Г. ИУЛДОШЕВА,
халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИ. Деҳқонлар бу йил она-Ватанга пландан ташқари миллион тоннадан ортиқ дон етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Уюштирилган мусобақада «Себряковский» совхози йиғим транспорт комплекси коллективи пешқадамлик қилаяпти. Хўжалигида агрегатлар туну-кун юқори самара билан ишлаётир. Суратда: совхоз далаларида ўрим-йиғим пайти.

● ЧОРЖЎЙ. Қорақумдаги олис Буердешик конини Ўрта Осиё — Марказ магистрали билан боғлайдиган газ қувури муддатидан илгари қурилиб бўлди. Даштда қувурнинг жадал ётқизилганлиги кондан фойдаланишни муддатидан бир ой илгари бошлаш имконини беради.

● ЛЬВОВ. Олтой ўлкасидаги Шипуновский райони меҳнаткашлари билан дўстлик шарафига Украина ССР, Нестеров районидаги Зверков қишлоғининг энг чиройли кўчаси Шипуновская кўчаси деб аталди. Урушдан кейинги оғир йилларда россиялик дўстлар Львов областидаги илк хўжаликлардан бири бўлган К. Маркс номли колхозни тиклашга ва мустаҳкамлашга кўмаклашдилар. Ўша пайтдан буён рус ва украин колхозчиларини қалин ва самарали ҳамкорлик ришталари боғлаб турибди. Ҳар икки район меҳнаткашлари партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан беш йиллик планларини ошириб бажариш мажбуриятини олдилар.

● ВЛАДИВОСТОК. Ўлка марказида санитария-эпидемиология хизматининг йирик тадқиқот маркази очилди. Унинг кўпгина лабораторияларидаги ускуналар атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат гигиенаси санитария проблемалари юзасидан олиб бориладиган тадқиқотларни юксак илмий даражада ўтказиш имконини беради. Ишлаб чиқариш шовқинини ва вибрацияларга қарши кураш методларини такомиллаштиришга катта эътибор бериш мўлжалланмоқда. Шаҳар қурилишининг актуал талабларини ҳисобга оладиган ишларни давом эттириш лозим.

(ТАСС).



АМУР ОБЛАСТИ. Узоқ Шарқда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни ўлкадаги дарёлар энергетика ресурсларидан фойдаланмай амалга оширишни тасаввур қилиш қийин. Ўнинчи беш йилликда бу ерда Зейский ГЭСи қурилишини ниҳоясига етказиш ва Буреинский ГЭСи қурилишини бошлаб юбориш мўлжалланган эди. Ҳозир Буреида гидростанция иншооти қурилиши бошлаб юборилди. ГЭС ишга тушгач, қуввати 2 миллион киловатт бўлган 6 агрегат ҳар йили 7 миллиарддан кўпроқ киловатт-соат электр-энергия ишлаб чиқаради. Суратда: ГЭС қурилишида.

В. Кожевников ва В. Мариковский фотолари. ТАСС фотохроникаси.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Партия қарорлари—оммага

ШУ кунларда Оққўрғон район «Билим» жамияти лекторларини дала шийпонларида, фермаларда тез-тез учратиш мумкин.

Улар КПСС Марказий Комитети июнь (1980 йил) Пленуми қарорларини, партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини қишлоқ меҳнаткашларига тушунтириб бермоқдалар.

Жамиятнинг йигирма олти бошланғич ташкилоти сафидаги 450 дан зиёд лектор ташкил этаётган лекция ва суҳбатларнинг асосий мавзу доираси ўнинчи беш йилликда КПСС иқтисодий стратегияси, фан, маданият ва маорифни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш, қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларини қамраб олади.

Айниқса, М. Идрисхўжаев, Н. Большешапов, А. Оқкулов, А. Аҳмедов, У. Исроилов каби билимдон лекторларнинг лекция ва суҳбатлари қўпчиликка манзур бўлмоқда. Айни вақтда улар бой тажрибаларини ёш лекторлар билан ўртоқлашиб, лекцияларнинг мазмундорлиги, илмийлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш борасида тегишли маслаҳатлар берадилар.

«Ленинизм», «Ленинобод», «Партия XXII съезди» колхозлари ҳамда «Оққўрғон» совхозида тузилган жамият бошланғич ташкилотлари лекция пропагандаси ишини дуруст йўлга қўйиб, унинг жанговарлиги ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу боисдан ҳам ўқилаётган лекциялар, суҳбатлар дала механизаторларида, фермаларда ва қишлоқ механизаторларида жонли қизиқиш уйғотмоқда.

М. ЮСУПОВА,
район «Билим» жамиятининг масъул котиби.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҒАЙРАТИ

КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдираётган Қодрия темир йўл станциясининг ходимлари ўнинчи беш йилликнинг охирги йилида 28 минг 365 тонна юк ортиб, 2928 та вагонни юклардан бўшатиш мажбуриятини олган эдилар. Коллектив аъзолари якуновчи йил мажбуриятини муддатидан олдин ва ортиғи билан бажаришга астойдил киришиб, 6 ойда пландагига қўшимча ўнта вагонга юк ортишди. Жойларга белгиланганидан 352 тонна кўп юк жўнатилди. Шунингдек, 1700 ўрнига, 1713 та вагондан юклар ўз вақтида бўшатиб олинди.

— Вазифамиз оператив-ликни талаб қилади,— дейди станция бошлиғи Ш. Галимов. — Коллективимиз юк ортиш ва тушириш муддатини қисқартиришга интилиб, яхши натижаларга эришаётир. Бир вагонни бўшатишни нормадаги 30,5 соатдан 7,1 соатга камайтиришга муваффақ бўляпмиз.

Темирйўлчилар 1973 йилдан буён коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни оқлаб келмоқдалар. Бунда тепловоз машинисти Ҳамза Раҳимов, ишчилардан А. Ф. Будная, Н. Н. Логова, Н. А. Ловчик ва М. И. Вохиноқларнинг ҳиссаси каттадир.

Қ. ИУЛДОШЕВ,
Қ. ҒУЛОМОВ,
Оржоникидзе райони.



ЮСУФ Сатторов ва Виктор Дунаев «Узбекхиммаш» заводининг пешқадам бригадаси аъзолари. Бу илғор ишчилар шахсий беш йиллик топшириғини бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига зарбдор меҳнат қилишяпти. В. Сироткин фотоси.



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ саноатчилар шаҳарчаси йил дан-йилга обод бўлиб бормоқда. Суратда: яқинда фойдаланишга топширилган маданият саройининг кўриниши. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ПАҲЛАВОН ТРАКТОР УЧУН

Тошкент агрегат заводида К-700 трактори учун мамлакатда биринчи редуктор йиғувчи конвейер ишга туширилди. Корхона коллективи беш йилликнинг якуновчи йилида зиммасига олган социалистик мажбуриятларининг муҳим бир бандини бажарди.

Уларнинг редуктори трактордан 200 от кучи—аввалги моделдан беш баравар кўп қувват ола билади. Тошкентлик инженерлар шу узелларни ишлаб чиқиш учун топшириқ олгач, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшдилар. Бир қанча потокларни қайта қуриш, механизациялаш даражасини ғоят ошириш керак эди. Чунки ишчилар вазни 60—70 килограмм келадиган деталлар билан иш қилар эдилар, шундай заготовкаларни қўлда айлантириб бўлмасди. Деталларнинг 80 процентдан кўпроғи бир эмас, балки икки хил редукторга тўғри келадиган қилиб унификациялаштирилди. Эндиликда биргина ускунанинг ўзида К-700 тракторига ҳам, шунингдек Т-150 тракторига ҳам 200 от кучига эга редукторлар ясаш мумкин.

А. Шукруллаев бошчилигидаги янги техника бюросининг коллективи янги хил ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда асосий ҳисса қўшди. Энг яхши, энг тажрибали ишчилардан — токарь Тўлқин Назаров, созловчилар Александр Волкодавов, Владимир Толпишев, Сергей Старшинов, Владимир Бернгардт ва бошқалар жалб этилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ШИЙПОНГА ЭЪТИБОР— ДЕҲҚОНГА ЭЪТИБОР

ЯМ-ЯШИЛ пахтазорни қоқ иккига бўлган йўл тўғри дала шийпонига олиб боради.

Билмаган одам биринчи бор келганда бу ерда ўзини сеҳрфайз қишлоқ хонадонига тушиб қолгандек ҳис қилиши мумкин. Ҳовли саҳни чиннидек супуриб-сидирилган, томорқада бодринг-помидорлар пишиб ётибди. Очиқ айвон олдидаги сўрида ранг кираётган ҳусайинилар гуж-гуж бўлиб осилиб турибди. Кўздан сал панароқ ерда тоғуҳона билан молхона ҳам бор. Сут-қатиқ дейсизми, мева-чева дейсизми, ҳаммаси шу ернинг ўзида, бригада шийпонидаги ёрдамчи хўжаликдан чиқади.

...Дала шийпонидаги сукунат вақт тушга томон оққанда бузилди. Ғўзаларни чеканка қилиб юрган қизлар, культивация билан банд бўлган тракторчилар кетма-кет чиқиб келишди. Бригада аъзолари жамулжам бўлиб стол атрофига тўпландилар.

Тушликдан сўнг бригада бошлиғи А. Ҳусанов пешингача қилинган ишлар тўғрисида пахтакорлар билан суҳбатлашди, ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалар ҳақида гапириб берди. Суҳбатга шофёр Б. Сайдалиев қўшилди. У бўш вақт топди дегунча доим дала шийпонига йўл олади. Уни бригадага агитатор қилиб сайлаганлар.

— Яқинда — деди Б. Сайдалиев, — партиямиз Марказий Комитети «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор бизнинг бригада коллективи олдига янги масъулиятли вазифаларни қўяди. Съездни муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатидан биз ҳам четда туролмаймиз, албатта. Янги вазифалар, янги режаларни белгилаб олиш керак...

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг А. Ҳусанов бошчилик қилаётган бригада дала шийпонида суҳбат кизиди. Коллектив беш йилликнинг якуновчи йилида зиммасига олган мажбурият олиб меҳнат қилмоқда. Бу йил ҳар гектардан 46 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилинган. Ҳозир чеканка тугалланмоқда. Ж. Шонмқулова, Ҳ. Хўжамназарова, Г. Худойназарова сингари пахтакорлар кундалик нормани икки марта ошириб бажаришяпти. Дала шийпонида ҳар куни меҳнат мусобақаси ғолиблари шарафига байроқ кўтарилмоқда.

Дала шийпонида бўш вақтни мазмунли ўтказиш, мириқиб ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит бор. Агитатор суҳбатидан сўнг қизлар ўз ҳоналарига кириб, радио тинглайдилар. Ёшлардан бир гуруҳи газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар. Шу ўринда З. Эгамбердиева бошчилик қилаётган бригада дала шийпони тўғрисида икки оғиз гапириб ўтиш лозим.

Бу бригада аъзолари КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўз мажбуриятларини қайта қараб чиқдилар, ҳар гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил кўтаришга сўз бердилар. Ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланмоқда.

Бригада дала шийпони тушлик пайтида айниқса гавжум бўлиб кетади. Турли мавзуларда қизиқарли суҳбат ва лекциялар ўтказиб турилади. Пахтакорлар ҳузурига район маданият уйида ташкил этилган агитбригадалар ҳам меҳмон бўлиб келиб, концертлар қўйиб беришмоқда. Дала бошида иссиқ овқат ташкил этилиши, меҳнаткашлар фарзандлари шийпондаги боғчаларда тарбияланаётганлиги ҳам меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Махсус график бўйича келиб турган автолавкалар пахтакорларга савдо хизмати кўрсатади.

Лекин, райондаги бошқа бир қатор хўжаликлар ҳам борки, улардаги дала шийпонлари шундай кўнгилли иш олиб бормоқда, деб айтиш қийин. Айниқса К. Маркс номли колхоз дала шийпонлари ачинарли аҳволда.

М. Йўлдошев бошчилик қиладиган бригада дала шийпони шундоққина йўл ёқасида. Шийпон ёнидан ариқ оқиб турибди. Чор-атроф чексиз пахтазор, саратон қуёши нурида сирли жилваланади. Бу манзарани ҳовли саҳнининг антисанитария аҳволда эканлиги, дала шийпонидаги хоналарнинг бўм-бўш ҳувиллаб ётганлиги бузиб турибди.

Биз бу ерда бригада сувчиси Аҳмад Худойбоқовни учратдик. Суҳбат чоғида шу нарса маълум бўлдики, шийпонда ҳордиқ чиқариш учун ҳамҳўрлик қилинмаган. Оммавий ишлар ондасонда олиб борилади. Газета ва журналлар йўқ, айтишларича, телевизор ва радиоприёмник ремонтда экан. Дурустроқ дам олиш учун шароит яратилмаган.

Бундай камчиликларни шу хўжаликдаги бошқа дала шийпонида ҳордиқ чиқариш ошириб бориш имконини беради.

Улар дала шийпонларида агитаторлар ҳамда снёсий ахборотчилар ишини назорат қилиб боришлари, ҳар бир шийпон бўйича аниқ иш планини тузиб чиқиб, унинг ўз вақтида, бекамуюст бажарилишига албатта бош-қош бўлишлари даркор.

Дала шийпонларини терим мавсумига тайёрлашда маданият, соғлиқни сақлаш бошқармалари, район санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ҳам актив қатнашишлари керак. Дала шийпонларига хўжаликларнинг бош мутахассисларини мудир қилиб сайлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Съездолди умумхалқ социалистик мусобақаси кундан кунга кенг қулоч ёймоқда. «1980 йил планини ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, ўн биринчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан янада юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолади» — партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида» қабул қилган қарорида шундай дейилган.

Дала шийпонлари мазкур қарорда қўйилган вазифаларни бажаришда, далаларимизда етиштирилаётган мўл ҳосилни ўз муддатида йиғиб-териб олиш ва ўнинчи беш йилликнинг якуновчи йилини юксак кўрсаткичлар билан тугаллаш ҳамда партиямиз XXVI съездини муносиб кутиб олишда ўз ҳиссаларини қўшаётган деҳқонларнинг иккинчи уйига, оммавий-снёсий, маданий-оқартув ишларининг чинакам марказига айлансин.

Райондаги тегишли ташкилотлар, хўжалик маъмуриятлари ва партия комитетлари ана шу вазифаларни амалга оширишда барча талабларни кўришлари лозим.

М. ЖАВҲАРОВ,
область партия комитетининг лектори.

А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ БЎЛИМИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ.



Ҳарбий ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

№ 190

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Мана 63 йилдирки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунларида баланд кўтарилган Қизил Байроқ мамлакатимиз узра мағрур ҳилпираб турибди. Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз беқиёс даражада ўсиб-улғайиб, жаҳондаги энг қудратли буюк давлатга айланди.

Чунки, тинчлик диёрининг ҳамиша ишончли ва содиқ қўриқчиси — шонли Совет Армияси ҳар лаҳза ўз постида сергак турибди. Суронли жанглар олловида туғилган, Граждандар ва Улуғ Ватан урушн йилларида оғир, машаққатли синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ленин партияси сафларида чиниққан бу Армия озодликнинг дастлабки кунлариданоқ ўз халқига, коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда.

Доимо голиб, байроғи музаффар Армиямиз бой тажрибасини мерос қилиб олган ҳолда жадал ривожланиш йўлидан бормоқда. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўз жабҳаларида кенг татбиқ этмоқда. Шунга кўра ҳарбий хизматга лаёқатли ёшларни Совет Армияси сафларига тайёрлаш, уларда дастлабки кўникмалар ҳосил қилиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сўнгги йилларда қўшинларимиз сафига садоқатли, жасур, юксак сиёсий ва маънавий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ёшлар келишяпти. Шу ўринда шаҳар ва қишлоқларимизда ишлаб турган ДОСААФ мактаблари фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзбекистон ССР ДОСААФ ташкилотлари йил сайин ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, мудофаа жамиятлари амалга ошираётган ишлар ҳам ибратли бўлаётир. Айниқса, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ, Келес, Қибрай ДОСААФ мактаблари ушбу районларда оммавий мудофаа ишларининг марказига айланиб қолган. Уларда ҳар йили халқ хўжалиги учун 600 дан зиёдроқ автомеханик ва электромеханиклар, 200 нафар радиомеханиклар, бир неча минглаб шофёрлар, тракторчи ва мотодиклчилар тайёрланади.

ДОСААФ мактабларида курсантлар маҳоратини ошириш мақсадида мустаҳкам ўқув моддий-техника базаси яратилмоқда. Синфхоналарнинг турли плакат, ўқув қуроллари ва электрлаштирилган стендлар билан жиҳозланиши ижобий натижа бераяпти. Бундан ташқари барча мактаблар қошида автодромлар, спорт комплекслари қурилган. Уларда В. Чуденов, Б. Юн, Ш. Қосимов, М. Тошматов, Э. Йўлдошев, О. Орипов сингари тажрибали ўқитувчи-инструкторлар раҳбарлигида мунтазам равишда машғулотлар олиб борилмоқда.

Республикамиздаги ягона Тошкент ДОСААФ денгизчилар мактабида чақирилув ёшигача бўлган ўсмирлар қийин, лекин фахрли ҳарбий Денгиз Флотида хизмат қилиш учун тайёргарлик кўрадилар. Ўқиш давомида улар денгизчилар сингари сузиш, қайиқларни бошқариш, замонавий қурол-аслаҳаларни ишлатиш сирларини қунт билан ўзлаштириб борадилар. Мактабда ҳарбий кемалардагидек қатъий интизом ва шароитлар жорий қилинган.

Машғулотлар асосан Тошкент шаҳри яқинидаги сув омборларида, Амударё, Сирдарё, Орол денгизи ҳавзаларида ўтказилади. Ўқиш, таълим-тарбия ишларида истеъфодаги офицерлар иштирок этадилар. Шунингдек, Тошкентдаги республика автомобиль мактаби ва республика техника мактабида қилинаётган ишлар ҳам диққатга молик. Буни мазкур мактаблар номига турли бўлинмалардан келаётган мактублардан ҳам билса бўлади. Сатрларда Совет Армияси сафига ҳар томонлама чиниққан ёшларни тарбиялаб берганликлари учун минатдорчилик туйғулари ўз ифодасини топмоқда.

ДОСААФ мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмоқда. Бунда мудофаа жамиятларини ўз оталикларига олган Тошкентдаги В. И. Ленин номли олий умумқўшин командирлари тайёрлаш билим юрти, Рибалко номли олий танк билим юрти ҳамда турли қисмлар офицер-жангчиларининг хизматлари катта бўлаяпти. Улар оталикларидаги коллективларда тез-тез бўлиниб, ҳарбий таълим тайёргарлиги кўрикларида, тактик машғулотларда, отиш, радио алоқа, ҳарбий топография ва қуролларни ўрганишда актив ёрдамлашмоқдалар. ДОСААФчилар ҳузурига вақти-вақти билан уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам ташриф буюриб, ўз жанговар ҳаётлари, жасоратлари ва хотиралари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб беришади.

Бунёдкор халқимиз КПСС XXVI съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зўр кўтариики руҳда меҳнат қилаётган айни кунларда биз ҳам ДОСААФ мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини янада мустаҳкамлашни кўзда тутаяпмиз. Янгийўл ва Келесда автодромлар қайтадан жиҳозланиб, техник хизмат кўрсатиш ва техник назорат қилиш пунктлари, Қибрайда янги автодром қурила бошлаши ана шу ишларимизнинг дебочаси бўлди. Бундан ташқари, яқин келгусида Ангрен шаҳри ва Бекобод районларида янги ўқув корпуслари барпо этиш лойиҳалаштирилмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли амалга оширилаётган бу ишларнинг барчаси ёшларни социалистик Ватанимизнинг муносиб ўғлонлари қилиб тарбиялашга қаратилган.

Т. АҲМАДХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссарининг ўринбосари, полковник.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ўрта мактабни битиргач олий ўқув юртига кириб ўқиш учун ҳужжат топширгандим. Бироқ, иш стажим бўлмаганлиги туфайли саралаш комиссиясидан ўта олмай, қишлоққа қайтишга мажбур бўлдим. Бекободдаги ДОСААФ мактабига кириб тажрибали инструктор-ўқитувчилар раҳбарлигида шофёрлик касбини ўргандим.

Кейинчалик ҳарбий хизматни ўтаб юрарканман, ДОСААФ мактабида ўқиганлигим жуда катта фойда берди. Тўғри, аввал бошда бир оз қийналдим. Ана шундай кезларда биз ёш солдатларга бўлинма офицер ва сержантлари яқиндан ёрдам бердилар. Тез орада оғир, лекин шарафли хизматга кўникиб, улар ишончини оқладик.

Армия ҳаёти бизни ҳамиша ҳушёр ва зийрак бўлишга, ҳар қандай шароитда ҳам ишониб топширилган техникани кўз қорачиғидек авайлаб-асраб, оқилона бошқаришга ўргатди. Икки йил мобайнида жисмонан чиниқиб, техникага бўлган ихлосим янада ортди. Келгусида ҳам шофёрлик касбини давом эттиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Совет Армияси сафидан қайтгач, яна машина рулига ўтирдим. Лекин ҳануз ўша жўшқин онлар билан боғлиқ бўлган солдатлик йилларимни қувонч билан эсга олиб юраман. Чунки, ҳарбий хизматимни ўташ жараёнида орттирган тажриба, олган билим ва кўникмаларим кундалик ишимда менга катта ёрдам беряпти.

К. ТЎЙЧИЕВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз шофёри.



Тошкентлик курсант А. Назаров Киевдаги авиация инженерлари олий ҳарбий билим юртида таҳсил кўряпти. У бу ерда ҳарбий техника сирларини қунт ва сабот билан ўргакаётир. Суратда: олий ўқув юрти машғулотларидан акс эттирилган. Курсантлар (чапдан) А. Назаров, И. Владимиров, В. Коробколар инженер О. Нежинов раҳбарлигида техника сирларини ўрганишяпти.

А. Фозилов фотоси.

▲ ЮТУҚЛАРИМИЗ КПСС XXVI СЪЕЗДИГА.

▲ ДОСААФ — КАСБЛАР МАКТАБИ.

▲ ХИЗМАТГА — ПУХТА БИЛИМ ВА КЎНИКМА БИЛАН.

▲ БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ.

▲ ЮРТДОШЛАРИМИЗ НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛИШМОҚДА.

ИККИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛАМАН

Икки йил кўз очиб юмгунча ўтади кетади. Лекин, ўз бурчини ўтаган ҳар бир йигит армия ҳаёти қийинчиликлари олдида эсанкирамайдиган, жасур ва мард, қўли гул мутахассис қилиб тарбияланганини ҳеч ёдан чиқармайди.

Менинг асли касбим шофёрликдир. Хизматга чақирилмасдан олдин шу касбда икки йил ишлаган эдим. Армияда хизмат қилишнинг мен учун қувончли томони шундаки, бу ерда иккинчи касбни ўрганиш имконига эга бўлдим. Яна саноқли кунлардан сўнг қўлимга ғишт терувчи гувоҳномасини оламан. Халқ орасида «Игитга қирқ ҳунар оз» деган ажойиб нақл бор. Шунинг учун ҳам ғишт теручилик касбини ўрганаётганимдан беҳад мамнунман. Бу касб менга фақат хизмат давримдагина эмас, балки кейинчалик ҳам асқотади.

Н. СКВОРЦОВ,
оддий солдат.

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Этнимга солдатлик формасини кийганимга атиги бир неча ой бўлди. Лекин, шу қисқа давр ичида армия ҳаёти ҳақиқий чиниқиш мактаби эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чин дўстлик қадри шу ерда кўпроқ билинаркан. Наманганлик Жамол Рўзиқулов, владимирлик Василий Фролов, туркманистонлик Норқўзи Танбоев сингари сафдошларим билан дўстлашиб бир оила фарзандларидек бўлиб қолдик. Бироқ ишда қийналиб қолсак, улар маслаҳат ва ўгитларини берадилар. Кези келганда мен ҳам улардан ёрдамимни аямайман.

Ҳа, эндиликда бизлар оғаини бўлиб қоламиз. Қолаверса, бизни бирлаштирган яна бир нарса барчамизни келгусида ҳамкасблар бўлиб қолишимиздир. Ҳарбий хизматни қурилиш батальонларида ўташга тўғри келиб қолди. Бизни касблар бўйича ажратиб, малака ошириш учун махсус ўқув комбинатларига жўнатишди. Бу ерда беш ой мобайнида тажриба орттириб, ўз бўлинмамизга қайтамиз. Айни кунларда сафдош дўстларимиз билан бўёқчилик касбини пухта эгаллаш билан бир қаторда ўз сиёсий ва ҳарбий билимимизни ошириб борялмиз. Бу ишда бизга бўлинмамиз офицер ва сержантлари мураббийлик қилишмоқда.

О. ҲОЖИЕВ,
курсант,
III разрядли бўёқчи.

ИЛҒОР БЎЛИНМА КОМАНДИРИ

Тинимсиз йўл босаётган машиналар кабинасидан солдатларнинг хорғин қиёфаси кўзга ташланади. Топшириқ жиддий: белгиланган районга ўз вақтида етиб олиш керак. Топшириқни аъло даражада бажараётганликлари учун йигитларнинг руҳлари тетик, ҳар бир ҳаракатлари аниқ.

Сержант Рустам Иброҳимов дам олишаётганларида ўз командирларига йўлдаги ҳодисани сўзлаб берди.

...Катта тепаликдан ўтаётганида оддий солдат Поповнинг тажрибасизлиги туфайли машина тўхтаб қолди. Бунн ўз вақтида сезган сержант дарҳол уларга ёрдамга келди. Капот атрофида уймалашаётган солдатлар чеҳрасинн бир зумда ташвиш ўрнига қувонч аломатлари эгалладн. Улар командирларга машина моторининг ишламаётгани ҳақида ахборот бердилар. Рустам дарҳол енгини шимариб моторни титкилай кетди. Зум ўтмай шофёрга буйруқ берди:

— Моторни юргиз!

Машина мотори яна аввалгидек бир маромда ишлай бошлади. Улар бироз тезликни ошириб ўз сафдошларига етиб олдилар.

Шу куни машқларда фаол иштирок этиб, алоҳида ўрнак кўрсатганлиги учун сержант Рустам Иброҳимовга командири «раҳматнома» эълон қилди.

Коммунистик районидаги Парниж коммунаси посёлкасидан ҳарбий хизматга чақирилган Р. Иброҳимов ўз йигитлик бурчини ҳалол ўтамоқда. Унга ишонч топширилган бўлинма солдатлари сиёсий билимларини оширишда ҳарбий техника сирларини пухта ўрганишда бошқаларга намуна бўлмоқда. Ёшлар техника сирларини пухта ўрганаётганликлари учун ўз командирларидан миннатдордирлар.

Л. ЯҚОВИШИН,
подполковник.

ЖАНГЧИ-ОШПАЗ

Тонгги соат беш. Мурод ўз постида. У эринмасдан ошхонани кўздан кечирди. Ёрдамчиларига дарҳол ишга киришиб, сув қайнатиш, ҳамда овқатга масаллиқ ҳозирлаш ҳақида буйруқ берди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас ошхонани қовурилган гўшт ва пиёз ҳиди тутиб кетди. Жангчилар учун эрталабки нонушта тайёр бўлмоқда..

Тошкентлик оддий жангчи Мурод Ҳайдаровнинг армия сафида ошпазлик қилиши ҳаёлига ҳам келмаган эди. У хизматга келган дастлабки кунлариданоқ бу касбга меҳр қўйди, сирларини ўрганди. Қисмнинг моҳир ошпазлари қилган ҳар бир ҳаракатга қунт билан ёндашди. Кўп меҳнатлар эвазига ошпазлик ҳунарини эгаллади. Шу кунларда Мурод Ҳайдаров тайёрлаётган таомлар ҳаммага манзур бўлаяпти.

Ю. САВОСТИН,
Н. қисм.



ДОСААФ мактаблари ёшларнинг севимли масканига айланган. Улар бу ерда турли касб-ҳунар эгаллаш билан бирга парашют спорти билан ҳам шуғулланадилар. Р. Шамсутдинов фотоси.

(ЎзТАГ).

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Бўлинма командирининг ўринбосари сержант Владимир Артюхов қад кўтараётган бино олдига келгач, бироз тўхтаб, ғишт терувчиларнинг ишига разм солди. Уларнинг ишидан қониқиш ҳосил қилди шекилли, мамнун жилмайиб, ўрта бўй, жуссаси пишиққина йигитга сўз қотди:

— Яшанг, ўртоқ Тихомиров. Деворни бир текис кўтарибсиз, айниқса, бурчагини яхши чиқарибсиз. Ишни шундай давом эттирсангизлар, бутунги мусобақада биринчилик сизларники бўлади.

Сержант далдасидан руҳланган Ф. Тихомиров ёрдамчилари В. Аниншкин ва И. Глобенкога қувонч билан боқди. Сўнгра уч сафдош янада жадалроқ ишга киришдилар.

Бу Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ўқув комбинатларидан бирида йигитлик бурчини ўтаётган солдатлар ҳаётидан бир лавҳа, ҳолос. Ўқув комбинатининг тажриба участкасида солдатларнинг ҳар бир куни ана шундай жўшқин ва қайноқ ўтади.

Табиийки, Совет Армияси сафларида хизмат қилиш ҳар бир ёш йигитнинг Ватан олдидаги фахрли бурчидир. Армия ҳаёти ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтиради. Уларни ҳаёт машаққатлари, қийинчиликлар олдида чўчимайдиган мард ўғлонлар қилиб тарбиялайди.

Эндиликда, Совет Армияси ёшлар учун фақат чиниқиш майдонигина эмас, балки касб-ҳунар ўрганиш мактаби ҳам бўлиб қолди. Ўз қишлоқ ва шаҳарларига қўли гул мутахассислар бўлиб қайтаётганларнинг кўпчилиги солдатлик йилларида орттирган касблари бўйича ишлашда давом этиб, тинч меҳнат жабҳасида фаолият кўрсатмоқдалар. Бу жиҳатдан махсус ўқув комбинатларининг роли беқиёсдир.

Офицер Равиль Тожиев бошлиқ ўқув комбинати ҳам ана шундай билим масканларидан бири. Турли қурилиш бўлинмаларидан юборилган солдатлар бу ерда бир ойдан беш ойгача бўлган давр ичида бўёқчилик, суювқчилик, ғишт терувчи, дурадгорлик, пайвандловчи, темирчилик, кранчи-машинист, шоферлик каби бир қанча касб сирларини ўрганишиб қайтадилар.

Комбинатда ўқув-тарбия ишлари энг илғор тажрибалар асосида ташкил этилган. Ихтисосликлар бўйича мавжуд группаларга малакаб чиқарибали офицерлар билан бир қаторда саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида ишловчи етук мутахассислар ҳам кенг жалб қилинган. Чунончи, С. Кузьменко, Л. Котлярова, В. Новиков сингари инженер-ўқитувчилар бир неча йиллардан буён ёшларга билим бериб келишади. Уз зиммаларидаги масъулиятни қалбдан ҳис этиб ишлаётганликлари туфайли улар раҳбарлик қилаётган группалар ўзлаштиришда ҳамиша энг яхши натижаларга эришмоқдалар.

Курсантларнинг ўз севган касблари бўйича пухта билим олишларида ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади,— дейди комбинат бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари А. Балахонский. — КПСС XXVI съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилган жангчиларимиз сиёсий билимларини ҳар томонлама ошириб боришга интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам офицер ва кичик командирларимиз сиёсий ва жанговар машғулотларни юксак савияда ўтказиш учун ўз билим ва кучларини аямаётирлар. Бу ишда, айниқса Н. Тоба, А. Акуляшин, Р. Вовчук, В. Сковрунский кабинлар ўрнак кўрсатишмоқда. Улар ўз билимларини ошириш устида изланиб, машғулотларга пухта тайёргарлик кўрадилар. Сержантлардан В. Артюхов, В. Безуглий, М. Зень, В. Фокинлар бу ишда уларнинг энг яқин ёрдамчилари бўлишмоқда.

Комбинатдаги Ленин хонаси, бой фондга эга кутубхона, турли спорт секцияларн ,курсантларнинг севимли масканига айланган. Дам олиш соатларида улар ҳамиша курсантлар билан гавжум бўлади. Айниқса, Ленин хонаси ва кутубхонада тез-тез меҳнат ва уруш ветеранлари, беш йиллик илғорлари билан ўтказилаётган учрашувлар, турли тематдаги лекция ва суҳбатлар ёшларни она-Ватанимизни янада севишга, унинг бойликларини доим кўз қорачиғидек авайлаб қўриқлашга ўргатмоқда.

Бу тантаналар курсантларнинг ташаббуслари билан ташкил қилинаётган «Ватанга содиқмиз», «Тинчлик ва меҳнат ҳимоясида», «Оталар жасорати — фарзандлар мероси», «Сен хизмат қилаётган ўлка» каби фотостендларда, «Қуролчи» деворий газетаси ва жанговар варақаларда ўз аксини топмоқда. Амалга оширилаётган бу тадбирларнинг барчаси курсантлар қалбида касб-ҳунарга меҳр-муҳаббат уйғотишда, ўз мутахассисликларини пухта билиб олишларида ижобий ёрдам беряпти.

— «Смирно!»— Майдон узра команда янграши билан курсантлар бир текисда саф тортишди. Бўлинма командири яна бир қанча ёш солдатлар касб-ҳунар ўрганиш учун келишганини эълон қилади. Ана, майдонга кириб келаётган бу ёшларнинг ҳам юзларида қатъият, қалбам ташлашлари дадил. Улар турли миллат фарзандлари, ҳали бир-бирларини яхши танимайдилар. Лекин кўп ўтмай бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ бўлиб кетишларига шак-шубҳа йўқ. Чунки, улар ҳам қурувчилик касбига астойдил ихлос қўйишган, энг муҳими эса, уларни Совет Иттифоқига хизмат қилишдек буюк туйғу бирлаштириб турибди.

А. ҲАЙДАРОВ,
Қ. КАРИМОВ.

РАҲМАТ, ЙИГИТЛАР

СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби кенг майдончаси ҳудди байрамлардагидек безатилган. Майдон узра улуғвор мамлакатимиз — СССР ва барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳилпирайди. Ф. Э. Дзержинский ҳайкалининг пойига қўйилган анвойи гуллар, кўзга яққол ташланиб турган плакатлар бу ерда ажойиб тантана бошланишидан далолат бериб турибди.

«Смирно!» деган тантанавор буйруқ янграйди. Оркестрнинг марш садолари остида майдонга мактаб байроғи олиб кирилди. Музика овози тўхташи билан шахсий составнинг бугунги тантаналарга тайёр эканлиги ҳақида рапорт берилади.

— Ўртоқ Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари! ССР Ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактабининг шахсий составн тингловчиларнинг мактабни битириш муносабати билан ўтказиладиган маросимига тайёр!

Рапортни қабул қилган Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари С. Султонов саф тортганлар олдидан ўтади ва уларни мактабни тугатганликлари билан муборакбод этади. Табрикка жавобан кудратли «Ура» садолари янграйди.

Маросимда ҳозир бўлган меҳмонлар ўз жойларини эгаллайдилар. Мактаб бошлиғининг ўринбосари А. А. Дорохов СССР Ички ишлар министрининг буйруғини ўқиб бергач, тингловчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топширди. Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.


Битирувчиларни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Солдатов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири В. Мусихин ва бошқалар самимий табриклашди. Шундан сўнг мактаб байроғи билан ҳайрлашиш маросими бўлди.

Мактаб бошлиғи, ички хизмат генерал майори Т. Жалилов сўз олади. У келгусида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида шарафли ва масъулиятли хизматга отланаётган барча ёшлар зиммаларига белгиланган вазифаларни шараф билан бажаришларига ишонч билдиради. Ингитларга оқ йўл тилади.

Шундан сўнг шахсий состав ,меҳмонлар жой олган трибуна олдидан тантанали саф тортиб ўтдилар.

Маросим тугагач мактабда очиқ эшиклар куни ўтказилди. Милиция органлари йўлланмалари билан бу йил биринчи марта олий ўқув юрти остонасига қадам қўйган ўқувчилар учун бу ерда яратилган қулай шарт-шароитлар билан танишдилар. Курс бошлиқлари ва ўқитувчилар билан самимий суҳбатда бўлишди.

О. ИСРОИЛОВА.



ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ СОҲИЛЛАРИДА.

А. Абалян фотоэтюди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МЕТАЛЛУРГЛАР УЧУН ПРОФИЛАКТОРИЙ

СОФИЯ. Кремников металлургия комбинатининг хушманзара Витоша тоғида жойлашган профилактория йилнинг ҳар фаслида ҳам одамлар билан гавжум. Тоғ ҳавоси, қуёш, минерал манба — буларнинг ҳаммаси ҳозирги замон медицина техникаси билан бирга металлургларга яхши дам олиш ва самарали даволанишни бағишлайди.

Комбинат ишчиларидан ҳар йили қарийб 15 минг киши ўз профилакторийсининг хизматидан фойдаланмоқда.

ЛЕЙПЦИГДАГИ ЯРМАРКА ОЛДИДАН

БЕРЛИН. 31 августдан 6 сентябргача Лейпцигда ўтказиладиган бўлажак кузги халқаро ярмаркада тахминан 50 давлатдан салкам 6 минг корхона ва ташқи савдо фирмаси, шунингдек деярли юз мамлакатдан коммерция доираларининг намояндалари қатнашади. Халқаро Лейпциг ярмаркаларининг бош директори Ф. Вонзак бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шуни хабар қилди.


Ф. Вонзак айтганидек, илгари бўлгани сингари бу сафар ҳам Совет Иттифоқи чет мамлакатлар ўртасида энг кўп экспонатлар намойиш қилади. СССР павильонида йигирмадан кўпроқ ташқи савдо ташкилотларининг маҳсулоти кўрсатилади.

РЕВОЛЮЦИЯ САНАСИ ОЛДИДАН

ХАНОЙ. Бу ерда ВКП Марказий Комитети секретариатининг август халқ демократик революцияси ғалабасининг 35 йиллигини ва республика эълон қилинган кунини байрам этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу сана мамлакатда 2 сентябрь куни нишонланади.

Қарорда ВСРнинг барча меҳнаткашлари ана шу шонли саналарни нишонлаш учун, Вьетнам иккинчи беш йиллиги сўнгги йили давлат планини муносиб якунлаш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этилади.

(ТАСС, 11 август).



Пентагон ҳарбийлари химиявий ва бактериологик урушга очиқданочиқ тайёрланишга ўтмоқдалар. Суратда: ана шундай урушда қўлланиладиган бомбалар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ГАВАНА. Бу ерда тинчлик учун курашувчи халқлар жаҳон парламентида қатнашиш учун миллий тайёргарлик комитети тузилди. Жаҳон парламенти шу йил сентябрь ойида Болгарияда бўлади. Комитет Жаҳон Тинчлик Кенгашига йўллаган табрикномасида айтиладики, кўп мамлакатлардан 2 мингдан зиёд делегат қатнашадиган парламент ўтказилиши халқаро империализмнинг агрессив сиёсатига қарши халқлар ҳаракатида муҳим қадам бўлади.

Парламент яллпи ва тўла қуролсизланиш учун, қуролланиш пойгасига қарши, Фаластин, Чили, Уругвай, Парагвайда, дунёнинг бошқа мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, янги халқаро иқтисодий тартиб учун кураш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

● КОБУЛ. Кобул политехника институтида ҳисоблаш марказини очиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Совет Иттифоқи Афғонистонга берган электрон ҳисоблаш машинаси марказ учун негиз бўлиб хизмат қилди. Марказни очиш маросимида ДР олий ва махсус ўрта таълим министри Гулдод гапириб, бу ускуна Кобул политехника институтига муҳим илмий-техник проблемаларни ҳал этишига ёрдам беради, деди. Министр демократик Афғонистонга кўрсатаётган ёрдамлари учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди.

(ТАСС).

„АЛЛЕН" ҲАМОН ҚУТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 август. (ТАСС). Кариб денгизи узра кўтарилган «Аллен» тўфони АҚШ территориясининг жанубий қисми билан Мексиканинг шимоли-шарқий қисмига ёпирилди. Тезлиги дамба-дам соатига 275 километргача борадиган шамол уйларнинг томларини кўчириб, дарахтларни илдизи билан кўпормоқда.

Юз минглаб кишилар офатдан қочиб, жамоат биноларида паноҳ изламоқдалар. Техас штатининг кўпгина аҳолиси ичимлик сувсиз, газ ва электрсиз қолди. Штатнинг жанубий қисмида шаррос ёмғир қуймоқда. Мексика кўрфазида мисли кўрилмаган қаттиқ пўртана бўлмоқда. Улкан тўлқинлар Либерия танкерини Корпус-Кристи шаҳридан сал бериДаги кимсасиз оролга улоқтириб ташлади. Бу танкерда 280 минг баррель (1 баррель — 159 литр) нефть ва экипаж аъзоларидан 37 киши бор. Мутахассислар штатнинг катта-катта районларида қаттиқ тошқин бўлиш ҳавфи бор, деб огоҳлантирмоқдалар. Қурбон бўлган кишилар бор.

ЮПИ агентлигининг таъкидлашича, ўтган юз йил ичида 1935 йилда АҚШнинг Атлантика соҳилига ана шундай кучли тўфон ёпирилганди.

ОҚ „ВОЛГА" ИЗИДАН...

ТЎХТАБОЙ тушки танаффусда овқатланиб келиш учун уйига борди. Машинасини одатдаги жойда — эшик олдидаги дарахт соясида қолдирди.

Бироз дам олгач ишга отланди. Кўчага чиқди-ю... юраги «шув» этиб кетди — янги оқ «Волга»си жойида йўқ эди!..

Тўхтабойнинг фикри тез ишлар, ранги эса тобора оқариб борарди. У, бирон-бир оғайним ҳазиллашдимикан, дея ўйларди. Тўғриироғи, худди шундай бўлиб чиқишига ўзини ишонтиргиси келарди. Бироқ, қанча уйламасин, бунақа ҳазил қилиши мумкин бўлган ўртоғини ҳаёлан тополмасди ва баттар эти увишарди...

Темом. Машина йўқ.

Тўхтабой ўртоғининг «Жигули»си билан икки кечакундуз тинимсиз юриб Андижон, Қўқон, Фарғонани кезиб чиқди. Милицияга хабар қилди. Ҳеч қандай хабар топа олмади.

...Акром Сидиқов шу йил 25 июль куни «Тошкент — Қўқон» трассасининг 102-километрида, Ангрен шаҳрида инспекторлар Мамади Қўзиев ва Анатолий Никифоровларни учратиб, уларнинг ҳисоботини тинглаётган пайтда «Жигули» машинаси катта тезликда уларнинг ёнига келиб тўхтади. Ҳайдовчи ёнида ўтирган йигит ховлиқиб машинадан чиқиб, уларга салом берди ва мақсадга кўчди:

— Ўртоқ капитан, икки кун бўлди — Волгамни ўғирлаб кетишди. Туну-кун қидиряпмиз. Илтимос, ёрдам беринглар.

— Қаерда йўқолган, номери қандай? — босиқлик, айни пайтда ҳамдардлик оҳангида сўради капитан.

— Наманганнинг Пунган қишлоғидан, уйимнинг олдидан йўқолди. 23 июлда куппа-кундузи соат тўрт яримда эшикнинг тагидан ғойиб бўлди. Ранги оқ, давлат номери 46—10 ТШФ. Машина дадамники, Орженикидзе районида, Байтиқўрғонда туришади. Мен Наманганда ишлайман, ишонч варақаси билан миндим. Отим Тўхтабой, фамилиям Исматов.

— Яхши, Тўхтабой, — деди капитан ҳаёл суриб.

Йўқолган машинанинг эгаси «яхшининг маъносини тушунолмади: «Нима яхши?» Акром Сидиқов эса бу сўзни бекорга айтмаганди.

Унинг ҳаёли бундан ярим соатча ортда кезарди. «Оқ, қирқ олти — ўн ТШФ, боя олдинда кетатуриб чапга бурилган машина эмасми? Нега номерига қарамадим-а? Мени кўриб бурилганида шубҳага борай дедиму, лекин, тўппа-тўғри кетаётган ҳар бир машинадан шубҳаланаверсанми, деб ўзимни койидим. ТШФлиги аниқ, лекин рақами-чи? Бу айтган рақамга ўхшаяпти ҳа, ўхшаяпти».

Узининг шу фикридан сўнг у «яхши» деган эди. Чунки, машина шу атрофда бўлиши мумкинлигини унинг бой тажрибаси натижасида шакланган нозик сезгиси билдираётгандек эди...

— Мен ҳозироқ ҳамма постларга хабарлайман, машинангиз бизнинг территориямизда бўлса, албатта ёрдам берамиз, — деди капитан Тўхтабойга. — Лекин ўзингиз ҳам хотиржам бўлманг, машина учқур оёқли нарса...

— Раҳмат, ака. Хайр

...Акром Сидиқовнинг қалби нотинч бўлиб қолди. Йўл назорати инспекторлари билан суҳбатлашаётган мавзусини нари-бери тугатар экан, боя чапга бурилиб кетган оқ «Волга» кўз олдидан нари кетмасди.

Милиция капитани Акром Сидиқов Тошкент область ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясида 1965 йилда иш бошлаганида кичик лейтенант эди. Хушёр, меҳнатсевар ходим кўп қондабузарларни жазолашда, қатор жиноятларни очишда ташаббус кўрсатиб, коллектив эътиборини қозонди ва 1972 йилдан бери ГАИ аппаратида ишлаб келмоқда.

Акром Сидиқов бошчилигидаги группа областнинг тўққиз район ва шаҳарларини назорат қилади. Биринчи трасса — Тошкент — Қўқон магистрали Оҳангарон, Ангрен, Янгиобод, Олмалиқ шаҳарларини ўз ичига олади. Иккинчи, Тошкент — Бекобод трассаси эса Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Бўка районларидан ўтади.

Мана шу катта территориядаги йўл ҳодиса ва воқеаларига Акром Сидиқов бошлиқ группа коллективи жавобгар.

— Машинага ўтиринглар, — деди у инспекторларга,—шаҳарни бир айланиб чиқайлик-чи.

Ангрен унча катта шаҳар эмас. Оқ «Волга»лар ҳам ҳисобли. Шундай бўлса-да, агар бояги «Волга» ўша ўғирланган машина бўлса, ким билади қаёққа яширинib улгурди экан?

Ҳайдовчи, чамаси, ўша дақиқадан бери беркиниб юриб, катта йўлдан Қўқон томонга ўтолмаётган экан — буларни кўриши билан тезликни кескин оширди. Капитан шу заҳоти «ишга» киришди: орқада келаётган «Москвич»ға ўгирилди:

— Мамади, сен рулга ўтир! Бу буйруқ шу зумда жаннговар ҳолатни вужудга келтирди. Чунки, собиқ таксичи Мамадини машина бошқаришга ундаш олдиндаги мураккаб операциядан далолат бериб турарди.

Анатолий билан Мамади тезда ўрин алмашишди...

Капитан чорраҳада уни кузиб ўтди. Бироқ, тўқнашув юз беришига озгина қолди — машина ўғриси жон-жаҳди билан газни босиб, авария қилай деди. Рўпарадан келаётган юк машинаси «Волга» билан тўқнашмасин учун Акром Сидиқов машинасини ўнгга олиб, «Волга»ни ўтказиб юборишга мажбур бўлди. «ГАЗ-24» юқори тезликда илгарилаб кетди.

Энди уни изма-из таъқиб қилиб бораверши керак. Шаҳардан чиқиб олсин, бўлмаса бир фалокат бўлиши мумкин — шаҳарда ҳаракат тиғиз. «Қулай жой келганида тўхтатамиз. Машиналар ҳам, одамлар ҳам шикастланмаслиги керак. Шундай ҳаракат қилиш керакки, ўғри, осонгина қўлга тушсин».

Командир шу ҳаёлда Қўқон йўлида «Волгани» кузатиб бераверди. Йўл тепаликлардан ўтган бўлса ҳам, текис. Акром Сидиқов спидометрга қарайди — 100. «Волга» узоқлаб кетяпти. Уни кўздан йўқотмаслик учун газ педалини яна ҳиёл босди — 110—120. Пешонаси рўпарасидаги ойнага қарайди, юз метрча ортда «Москвич» баравар келяпти! «Балли Мамади, машина ҳам зўр экан!».

Довон бошланди. Машҳур қалтис довон. Бу йўлдан кишида машиналар юриши таъқиқланди. Энди вақт келди. «Қандай қилиб бўлса ҳам, довоннинг чўққисига етиб бормасдан «Волга»ни тўхтатиш, тўғриироғи, қўлга тушириш керак. Бўлмаса, пастга тушишда қувиб етиш хавфли, бунинг устига бензин ҳам оз қоляпти. Лекин, албатта тутиш керак. Ким билади, ўша рулда ўтирган одам балки хавфли жиноятчидир, балки бугун-эрта хавфли жиноят содир қилар, машинани шу мақсадда ўғирлагандир?!».

Шу ҳаёллар командирни, ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам олға ундарди. Қолаверса, бу унинг вазифаси, хизмат бурчи!

Газ педалини охиригача босa бошлади. Спидометрга қарайди — 100—110. Мана, яқинлашди, «Волга»га етиб боряпти. Акром Сидиқов ҳаёлан ўзини совуққон тутишга уриниб, бор шоферлик маҳоратини ишга солиб, қалтис довоннинг қоқ ўртасига етганда «Волга»ни чап томондан қувиб ўтишга чиқа бошлади. «Жигули»нинг тумшуғи «Волга»нинг орқа қисмига яқинлашай деганда йигит қўли билан пастга — жарга ишора қилиб, «шўёққа ағдариб юборaман» дегандек дағ-даға қилди. Бу ишора Акром Сидиқовнинг иззат-нафсига тегди: «Сендақа зўр тирранчанинг кўпини кўрганман, шошма, ҳозир тўхтаганингни ўзинг билмай қоласан!».

Йўлнинг ҳиёл бурилиш жойи келганда «Волга» беихтиёр тезликни пасайтирди. Акром Сидиқов тезликни оширди... Шу тезликда «Волга»дан ўта бошлаган эди, ҳайдовчи йўл бермаслик учун машинани чапга бурди. Шу пайт... орқама-орқа келаётган «Москвич» «Волга»нинг ўнг томонидан қувиб ўтишга чиқди. Ўғри ҳайдовчи уни ўтказмаслик учун ўнгга бурib йўлни беркитишга овора бўлганида чап томон очилди, ва «Жигули» шамолдай ғизиллаб «Волга»нинг олдига ўтди: Акром Сидиқов тезликни тобора пасайтириб, «Волга»ни жарга томон қисиб бераверди...

Тўхтатмаса «ўз ҳоҳиши билан» жаҳаннамга кетиши аниқ бўлиб қолгач, йигит тормозни босди ва... қизнинг олдида уялишни ҳам ҳаёлига келтирмай, машинадан чиқа тепаликка қараб қоча бошлади! Бироқ... бузоқнинг югургани сомонхонагача. Шу заҳоти «Жигули»дан отилиб чиққан йўл назорати катта инспектори Бахтиёр Эрматов узоққа бормай унга етиб олди.

Чўкаётган одам ҳасга ҳам тирмашганидек, барзанги ўғри Бахтиёрга ҳамла қилди. Бахтиёр яҳшилаб «жавоб» бериши билан қолган уч киши етиб келиб, оёқ-қўлини боғлашди...

Ўғрини 144-километрдаги ГАИ постига олиб келиб, у билан танишдилар: Ҳамидов Ҳолмат. 1949 йилда, Поп районидаги Пунган қишлоғида туғилган. Ремонт-қурилиш бошқармасида ишчи. Мотоциклда авария қилиб, одам ўлдириб беш йил қамалиб чиққан.

Унинг ёнидаги қиз — Сафия Абдурахмонова. 1962 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ишламайди. Янгийўл районидаги У. Юсупов номли бирлашма территориясида яшайди.

Сафиянинг ёзма равишда тушунтиришича, Ҳолмат икки кун аввал бир ўртоғи билан Янгийўлга келган. Сафия ва яна бир қиз, тўрт киши тунни Чирчиқ соҳилида ўтказишган. Кеча ҳайрлашиб кетган Ҳолмат бугун яна келган...

«ГАЗ-24»даги сайр узоққа чўзилмади...

Машина ўғриси довонда, Тошкент — Қўқон магистрали йўлининг 175-километрида қўлга тушди. Ўғрини машина ва одамларга бешикаст қўлга туширишда группа командири Акром Сидиқовнинг бой тажрибаси, юксак маҳорати ҳал қилувчи роль ўйнади!..

Т. ТЎХТАЕВ,
Тошкент область ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекцияси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МИЛИЦИЯ ҲАЁТИДАН

Акром Сидиқов ўзининг хизматчи машинаси — «ГАИ» белгили «Жигули»га ўтирди. Ёнига лейтенант Бахтиёр Эрматовни олди. Сержант Анатолий Никифоров старший сержант Мамади Қўзиев билан янги «Москвич» машинасини ҳайдади.

Шаҳарни обдон кезиб чиқишди. Тоғ ёнбағирларидаги пастқам жойларга ҳам боришди. Чунки, «Волга» ҳайдовчиси ёнида қиз бола ҳам бор эди — шунчаки дам олишиб ўтирган бўлиши ҳам мумкин, боя ГАИ машинасида капитанни кўриб, чеккароққа яширинган бўлиши ҳам мумкин.

Шаҳарни ва атрофни обдон кезишди. Йўқ. Қидиришган сайин капитаннинг назарида шубҳаси ҳақиқатга айланиб, «қочибди-да» деган фикр миясига ўрнашиб қолди.

...«Тошкент — Қўқон» трассасига чиқаётганларида рўпарадан оқ «Волга» ўтиб қолди. Акром Сидиқов уни танди — икки соатча олдин кўрган, чапга бурилиб кетган ўша машина. Ҳайдовчи, чамаси, ўша дақиқадан бери беркиниб юриб, катта йўлдан Қўқон томонга ўтолмаётган экан — буларни кўриши билан тезликни кескин оширди. Капитан шу заҳоти «ишга» киришди: орқада келаётган «Москвич»ға ўгирилди:

— Мамади, сен рулга ўтир! Бу буйруқ шу зумда жаннговар ҳолатни вужудга келтирди. Чунки, собиқ таксичи Мамадини машина бошқаришга ундаш олдиндаги мураккаб операциядан далолат бериб турарди.

Анатолий билан Мамади тезда ўрин алмашишди...

Капитан чорраҳада уни кузиб ўтди. Бироқ, тўқнашув юз беришига озгина қолди — машина ўғриси жон-жаҳди билан газни босиб, авария қилай деди. Рўпарадан келаётган юк машинаси «Волга» билан тўқнашмасин учун Акром Сидиқов машинасини ўнгга олиб, «Волга»ни ўтказиб юборишга мажбур бўлди. «ГАЗ-24» юқори тезликда илгарилаб кетди.

Энди уни изма-из таъқиб қилиб бораверши керак. Шаҳардан чиқиб олсин, бўлмаса бир фалокат бўлиши мумкин — шаҳарда ҳаракат тиғиз. «Қулай жой келганида тўхтатамиз. Машиналар ҳам, одамлар ҳам шикастланмаслиги керак. Шундай ҳаракат қилиш керакки, ўғри, осонгина қўлга тушсин».

Командир шу ҳаёлда Қўқон йўлида «Волгани» кузатиб бераверди. Йўл тепаликлардан ўтган бўлса ҳам, текис. Акром Сидиқов спидометрга қарайди — 100. «Волга» узоқлаб кетяпти. Уни кўздан йўқотмаслик учун газ педалини яна ҳиёл босди — 110—120. Пешонаси рўпарасидаги ойнага қарайди, юз метрча ортда «Москвич» баравар келяпти! «Балли Мамади, машина ҳам зўр экан!».

Довон бошланди. Машҳур қалтис довон. Бу йўлдан кишида машиналар юриши таъқиқланди. Энди вақт келди. «Қандай қилиб бўлса ҳам, довоннинг чўққисига етиб бормасдан «Волга»ни тўхтатиш, тўғриироғи, қўлга тушириш керак. Бўлмаса, пастга тушишда қувиб етиш хавфли, бунинг устига бензин ҳам оз қоляпти. Лекин, албатта тутиш керак. Ким билади, ўша рулда ўтирган одам балки хавфли жиноятчидир, балки бугун-эрта хавфли жиноят содир қилар, машинани шу мақсадда ўғирлагандир?!».

Шу ҳаёллар командирни, ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам олға ундарди. Қолаверса, бу унинг вазифаси, хизмат бурчи!

Газ педалини охиригача босa бошлади. Спидометрга қарайди — 100—110. Мана, яқинлашди, «Волга»га етиб боряпти. Акром Сидиқов ҳаёлан ўзини совуққон тутишга уриниб, бор шоферлик маҳоратини ишга солиб, қалтис довоннинг қоқ ўртасига етганда «Волга»ни чап томондан қувиб ўтишга чиқа бошлади. «Жигули»нинг тумшуғи «Волга»нинг орқа қисмига яқинлашай деганда йигит қўли билан пастга — жарга ишора қилиб, «шўёққа ағдариб юборaман» дегандек дағ-даға қилди. Бу ишора Акром Сидиқовнинг иззат-нафсига тегди: «Сендақа зўр тирранчанинг кўпини кўрганман, шошма, ҳозир тўхтаганингни ўзинг билмай қоласан!».

Йўлнинг ҳиёл бурилиш жойи келганда «Волга» беихтиёр тезликни пасайтирди. Акром Сидиқов тезликни оширди... Шу тезликда «Волга»дан ўта бошлаган эди, ҳайдовчи йўл бермаслик учун машинани чапга бурди. Шу пайт... орқама-орқа келаётган «Москвич» «Волга»нинг ўнг томонидан қувиб ўтишга чиқди. Ўғри ҳайдовчи уни ўтказмаслик учун ўнгга буриб йўлни беркитишга овора бўлганида чап томон очилди, ва «Жигули» шамолдай ғизиллаб «Волга»нинг олдига ўтди: Акром Сидиқов тезликни тобора пасайтириб, «Волга»ни жарга томон қисиб бераверди...

Тўхтатмаса «ўз ҳоҳиши билан» жаҳаннамга кетиши аниқ бўлиб қолгач, йигит тормозни босди ва... қизнинг олдида уялишни ҳам ҳаёлига келтирмай, машинадан чиқа тепаликка қараб қоча бошлади! Бироқ... бузоқнинг югургани сомонхонагача. Шу заҳоти «Жигули»дан отилиб чиққан йўл назорати катта инспектори Бахтиёр Эрматов узоққа бормай унга етиб олди.

Чўкаётган одам ҳасга ҳам тирмашганидек, барзанги ўғри Бахтиёрга ҳамла қилди. Бахтиёр яҳшилаб «жавоб» бериши билан қолган уч киши етиб келиб, оёқ-қўлини боғлашди...

Ўғрини 144-километрдаги ГАИ постига олиб келиб, у билан танишдилар: Ҳамидов Ҳолмат. 1949 йилда, Поп районидаги Пунган қишлоғида туғилган. Ремонт-қурилиш бошқармасида ишчи. Мотоциклда авария қилиб, одам ўлдириб беш йил қамалиб чиққан.

Унинг ёнидаги қиз — Сафия Абдурахмонова. 1962 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ишламайди. Янгийўл районидаги У. Юсупов номли бирлашма территориясида яшайди.

Сафиянинг ёзма равишда тушунтиришича, Ҳолмат икки кун аввал бир ўртоғи билан Янгийўлга келган. Сафия ва яна бир қиз, тўрт киши тунни Чирчиқ соҳилида ўтказишган. Кеча ҳайрлашиб кетган Ҳолмат бугун яна келган...

«ГАЗ-24»даги сайр узоққа чўзилмади...

Машина ўғриси довонда, Тошкент — Қўқон магистрали йўлининг 175-километрида қўлга тушди. Ўғрини машина ва одамларга бешикаст қўлга туширишда группа командири Акром Сидиқовнинг бой тажрибаси, юксак маҳорати ҳал қилувчи роль ўйнади!..

Т. ТЎХТАЕВ,
Тошкент область ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекцияси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ КОМБИНАТИ

Байкальскдаги 2-техника билим юртида ўқиш учун целлюлоза-қоғоз саноати ихтисослари бўйича 1980—1981 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти ва хизмати бўйича электр монтёр (фақат йигитлар), **қуритувчи, прессчи, қирқувчи, майдаловчи, қоғоз ва картон қиладиган машиналар машинисти.**

10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЁШДАН ЮҚОРИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Барча ихтисослар бўйича ўқиш муддати — бир йил.

Билим юртига қабул қилинганларга стипендия (ўрта махсус ўқув юртлари даражасида) ҳамда корхона маблағи ҳисобидан ойига 42 сўм тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона, стипендиянинг бир қисми ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига танлаган касбини кўрсатиб ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), ўқиш ёки иш жойидан характеристика; турар жойидан, оилавий аҳволя тўғрисида справкалар, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида, бош кийимсиз).

Паспорт ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Байкальск шаҳридаги ўқиш жойигача етиб олиш фабрика ҳисобидан бўлади.

Билим юртини тамомлаганлар Тошкент қоғоз фабрикасига доимий ишга юбориладилар.

Ҳужжатлар — 15 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри — 5, Куйбишев шоссеси, 23-уй, кадрлар бўлими (5-трамвайнинг «Ипподромная», 7, 25, 52, 106, 68-автобусларнинг «Узбум» бекати).

ТОВАРЛАР — ХАЛҚҚА

„СЛАВА" ПАНД БЕРМАЙДИ


ҚУНҒИРОҚЛИ ЭЛЕКТРОН-МЕХАНИК «СЛАВА» БУДИЛЬНИК СОАТИ СИЗНИ ИШГА УЙҒОТАДИ, УЧРАШУВ ПАЙТИНГИЗНИ ЭСЛАТАДИ.

«Слава» механизмлари пухта, «Марс» типидаги стандартли батареяси — 373 элемент будильник «умрини» бир йилга узайтиради.

Будильник корпусига тилла, кумуш суви юритилган ёки қимматбаҳо ёғочдан тайёрланган бўлиб, унинг ёркин милари квартира, хизмат хонасига файз киритади.

Москва иккинчи соат заводи.

ТЕЛЕПРЕСС-ТОРГРЕКЛАМА.



АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КУЙБИШЕВ РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

қувур ётқизувчилар, кранчилар, электрчилар, газ-электр пайвандчилар, лахимчилар, бурғиловчилар.

КИРОВ РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

қозончи-слесарлар, газ-электр пайвандчилар, оловбардош қурилишлар ишчилари.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

1, 2, 3-классли шоферлар, экскаваторчилар, бульдозерчилар, дурадгорлар, суворқчилар, бўёқчилар, монтажчилар, ҳисоб бўлими бухгалтерлари. Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Иш сафар билан боғлиқ.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 39-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — райисполком, Совет Армияси ҳиёбони.

Спорт

● СУЗИШ

МЕДАЛЛАР ВА РЕКОРДЛАР

Днепропетровск шаҳрида сузувчиларнинг мамлакат шахсий команда чемпионатида қатнашган республикамиз вакиллари иккита олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритиш билан бирга Ўзбекистоннинг янги рекордларини ҳам ўрнатдилар.

Сергей Заболотнов 100 метрга чалқанча усулда сузишда 1 минут 00,41 секунд натижа кўрсатиб олтин медаль эгаси бўлди. 200 метрга брасс усулида сузишда Темур Подмарёвга тенг рақиб топилмади. Бу икки спортчимиз 100 ва 200 метрларга брасс ҳамда чалқанча усулда сузишда кумуш медалларга ҳам сазовор бўлишди. Л. Белоконнинг 200 метрга брасс усулида сузишдаги кўрсатган 2 минут 39,21 секунд натижаси ҳам республикамизнинг янги рекордидир. Сергей Заболотнов эса 400 метрга комплекс усулда сузишда Ўзбекистон рекордини янгилади.

● ТЕННИС

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН

Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан СССР кубоги учун теннис мусобақалари давом этаётир. Республикамиз эркаклар терма команда мусобақаларининг навбатдаги босқичида ўз майдонларида Грузия терма командасини қабул қилдилар. Бу учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Улар ўйинни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди.

Мағлубиятга учраган республикамиз эркаклар терма командаси биллур соврин учун курашни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

Шу турнирда иштирок этаётган аёллар терма командаси эса мухлисларни мамнун этишяпти. Қизларимиз навбатдаги босқич баҳсларини сафарда — Рига шаҳрида ўтказадилар. Улар Латвия терма командаси устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Энди республикамиз аёллар командаси биллур соврин учун курашни давом эттиришади.



● Тошкент районидаги академик Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-бригадаси боғбонлари ҳозиргина ўзида аҳоли дастурхонига 100 тоннадан кўпроқ олча, олхўри, шафтоли, олма тортиқ қилишди. Ҳозирги кунларда ҳам улар савдо тармоқларига кўплаб миқдорда мева жўнатишяпти. Суратда: олма теришда ўрнак кўрсатаётган М. Жамолова.

С. Хожиев фотоси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.35 — Уч қувноқ смена. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм. 11.40 — РСФСР Давлат духовой оркестри ижро этади. 12.10 — «Леннаучфильм» студияси илмий-оммабоп фильмлари. 12.50 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Ёқимтой йигитча. Телевизион бадиий фильм. 17.25 — Рус тили. 17.55 — Фильм-концерт. 18.25 — Горнчилар, қаердасиз! 18.55 — Олимпиада-80. 21 июль кинокундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 20.05 — Василий Шукшин. Ёзувчи, актёр, режиссёр. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. Динамо (Киев)— «Динамо» (Минск).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 11.55 — Қувноқ пионер ёзи. 12.25 — Москва, Пионерлар саройи. 12.45 — Шеърият дафтаридан. 13.05— Ганг дарёси устида қуёш. Бадиий фильм. 1-серия. 18.20— Мультфильмлар. 18.40 — Нурафшон давра. 19.10 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30— Ахборот. 20.50 — Лазги ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.15 — Ганг дарёси устида қуёш. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325545, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 03132. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1666.